



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

• 2002 йил 27 апрель, шанба

• №33 (11.421)

• Эркин нарҳда сотилади

ЎЗБЕКИСТОН – ЭРОН: ЯНГИ ШАРОИТДАГИ ЯНГИЧА МУНОСАБАТЛАР

26 апрель куни Эрон Ислом Республикаси Президенти Саййид Муҳаммад Ҳотамий расмий ташриф билан Ўзбекистонга келди.

Пойтахтимиздаги "Дўрмон" қароргоҳида Эрон Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарофига фахрий қорувул саф тортиди. Ислом Каримов ва Муҳаммад Ҳотамий шоҳсупага кўтарилди. Давлат мадҳиялари янгради.

Қароргоҳда аввал президентлар яккама-якка суҳбатлашди. Мулоқот чоғида ўзаро муносабатларга оид масалаларнинг кенг қамровли муҳокамаси бўлиб ўтди. Ҳамкорликнинг бугунги аҳоли ва иштиқобли юзасидан фикр алмашилди. Томонлар савдо-иқтисодий алоқаларни янада кенгайтиришга, транспорт коммуникацияси соҳасига ва сармоя соҳаларидаги ҳамкорликни раванқ топтиришга алоҳида эътибор қаратди.

Шунингдек, халқаро миқёсдаги масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди. Жумладан, террорчилик муаммоси, Афғонистонда барқарорликнинг мустақамланиши, иқтисодийнинг тикланишига оид масалалар кўриб чиқилди.

Икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган тартибдаги музокараларида Ўзбекистон билан Эрон ўртасида шериклик ва ҳамкорлик алоқаларига оид масалалар муҳокама этилди. Иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришнинг имкониятлари кўплиги, икки давлат ўз салоҳиятини тўлалигича ишга солиб, алоқаларни янги босқичга кўтарса, бундан нафақат Ўзбекистон ва

Эрон, балки минтақадаги кўплаб бошқа мамлакатлар ҳам фойда кўриши қайд этилди.

Таъкидламоқ жоизки, Ўзбекистон-Эрон иқтисодий ҳамкорлигининг салмоқли қисми транспорт коммуникацияси соҳасига тегишлидир. Ўзаро алоқалар, айниқса, шу соҳада кенг ривожланмоқда. 1996 йилда Ўзбекистон Эрон худуди орқали 34 минг тонна юк ташиган бўлса, 2001 йили бу борадаги кўрсаткич 487 минг тоннага ташкил этди. Ўзбекистон худуди орқали эса ўтган йили Эроннинг 750 минг тонна транзит юки олиб ўтилган.

Бевосита савдо-иқтисодий муносабатларга келсак, мамлакатимизда элликка яқин Ўзбекистон-Эрон қўшма корхонаси ишлаб турибди. Уларнинг аксарияти тўлалигича Эрон ишбилармонлари сармояси ҳисобига барпо этилган ва асосан ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми ҳам ортиб бормоқда. Ўтган йили бу борадаги кўрсаткич 11 фоизга ошди.

Музокараларда бундай ютуқлар мамнуният билан таъкидланиб, эндиликда транспорт коммуникацияси билан бир қаторда, банк, молия соҳаларида, чегарадан ўтишга доир ҳужжатлар-

ни расмийлаштириш ва ўзаро тўловларни соддалаштириш борасида ҳам ҳамкорликни кенгайтиришга келишиб олинди.

Мамлакатимиз Жануби-шарқий Осиё минтақасига асосан Эроннинг Бандер Аббос ва Чобохор портлари орқали чиқади. Айни пайтда Эронда йўл инфраструктураларини ривожлантириш борасидаги лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, ишлар ниҳоят етганидан кейин Ўзбекистонни денгизга олиб чиқадиган йўл минг километрга қисқаради.

Шунингдек, ҳозир Афғонистон орқали қатновларни йўлга қўйиш долзарб масалага айланган. Гап Термиздан Афғонистоннинг Мозори Шариф ва Хирот шаҳарлари орқали Эронга туташадиган йўл ҳақида кетяпти. Албатта, бу йўлдан биринчи галда Афғонистон катта фойда кўради. Минглаб одамлар ишга жалб этилади, катта-катта сармоя маблағлари ўзлаштирилади.

Музокаралардан кейин ўтказилган матбуот анжуманида Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, шу боис ҳам Афғонистон муваққат ҳукумати раҳбари Ҳамид Карзай мамлакат худудида халқаро транспорт коммуникацияси тизимининг янги тармоғи барпо этилишини қизғин қўллаб-қувватламоқда.

Музокаралар якунида Ислом Каримов ва Муҳаммад Ҳотамий Ўзбекистон ва Эрон президентлари ўртасидаги музокаралар якуни юзасидан қўшма баёнотга имзо қечди. Мамлакатларимиз ўртасида икки томонлама со-

лиққа тортилишга йўл қўймаслик, даромад ва сармоя солиқларига тааллуқли маълумотларни алмашиш, транспорт воситаси ҳайдовчилари учун виза масалаларини енгиллаштириш, ташқи сиёсат ва ташқи иқтисодий алоқалар маҳкамалари ўртасида, шунингдек, Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси билан Эроннинг Савдо, саноат ва тоғ-кон саноати палатаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатлар имзоланди.

Матбуот анжуманида Ислом Каримов Эрон Президентининг Ўзбекистонга ташрифи нафақат икки томонлама алоқалар, балки минтақавий интеграция ривожига муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Эрон томони эса ушбу ташрифни ўзаро муносабатлардаги бурилиш нуқтаси деб атади.

Президент Ислом Каримов Ўзбекистон-Эрон муносабатлари ҳуқуқий асосининг бойиши мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг кўламини янада кенгайтиришга хизмат қилишини таъкидлади. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон билан Эрон дунёда юзага келаётган янги шароитда янгича муносабатларни қарор топтирмоқда.

Эронлик олий мартабали меҳмон пойтахт марказидаги Теурийлар тарихи давлат музейига ташриф буюрди. Муҳаммад Ҳотамий улуг саркарда Амир Темур ва унинг авлодлари ҳаётига оид экспонатларни кўздан кечириб экан, мамлакатимиз мустақилликка эришган, миллий қадриятларни тиклаш йўлида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилганини таъкидлади. Соҳибқирон номи билан аталувчи музейнинг бунёд этилиши ҳам ана шундай хайрли ишлар сирасидандир.

Эрон Президенти ўз ташрифи доирасида Ўзбекистон Фанлар академиясида шарқшунос олимлар билан учрашди. Учрашувда "Цивилизациялар мулоқоти ва Шарқнинг ривожланиши" мавзусида гап боради. Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини зиёрат қилди.

Анвар БОБОЕВ,
ЎЗА муҳбири.

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 26 апрель куни Оқсаройда Япония ташқи ишлар вазирининг катта ўринбосари Сейкен Сугиурани қабул қилди.

Таъкидламоқ керакки, Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги алоқалар жадал ривож топмоқда. Биргина савдо-иқтисодий соҳа олинадиган бўлса, ўтган йили ўзаро савдо ҳажми икки баробар ошгани қайд этилди. Айни пайтда япониялик ишбилармонлар кўплаб иқтисодий лойиҳаларимизда фаол иштирок этиб келмоқда. Лекин икки ўртада ҳали ишга солинмаган имкониятлар ҳам кам эмас.

Оқсаройдаги учрашувда ўзаро ҳамкорликни бугунги аҳоли ҳамда иштиқобли, ҳар томонлама алоқаларни янада ривожлантиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА).

АҚШ кўнгиллилари Юртимизда

Тошкентдаги Миллий матбуот марказида АҚШнинг мамлакатимиздаги Тинчлик корпуси кўнгиллиларининг қасамёд қабул қилиш маросими бўлиб ўтди.

Бу корпус мамлакатимизда 1992 йилдан буён фаолият кўрсатмоқда. Ўтган ўн йил мобайнида беш юздан ортиқ америкалик юртимизда кўнгиллилар сафида фаолият юритди.

Қасамёд қабул қилган олти нафар кўнгилли Самарқанд ва Тошкент вилоятларида таълим, соғлиқни сақлаш, СПИДга қарши кураш бўйича дастурларни амалга оширишда қатнашди.

Тадбирда АҚШнинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва муҳтор элчиси Жон Хёрбст иштирок этди.

Олим НОРБЕКОВ,
ЎЗА муҳбири.

СПОРТ МАЙДОНЛАРИДА УМИДЛИ ЁШЛАР



Фаргона вилоятининг қатор ўйингоҳларида ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари» республика спорт ўйинлари финал босқичи мусобақалари қизгин бошланиб кетди

Илгари хабар берганимиздек, «Умид ниҳоллари» финал мусобақаларининг Паркент туманидаги «Физика-Кўёш» илмий-ишлаб чиқариш маркази Материалшунослик институтининг улкан кўёш печидан аланга олдирилган машъаласи Паркент, Янгибозор, Уртасарой, Данғара, Кўкон, Учкўприк, Янгиқўрган, Бағдод, Ҳамза каби қатор манзилларни босиб ўтиб, ниҳоят, 24 апрель куни олтин водийнинг Фаргона шаҳрига етиб келди. 20 минг то-

(Давоми 7-бетда).



Фан оламида

Сувни чучуклаштирувчи ускуна



Мустақиллик йилларида ўзбекистонлик олимларнинг илмий ишланмалари бутун дунёда тан олинмоқда ва қўлланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро Физикаси институтининг илмий асбобсозлик бўлими мудири, техника фанлари доктори, профессор Рашид Ҳайдаров яратган сув тозаловчи ускуналар бунга яққол мисол бўла олади.

Бугунги кунда ушбу ускуналар Америка Қўшма Штатлари, Корея Республикаси каби мамлакатларда самарали қўлланмоқда. Яқинда эса корейликлар мазкур олимнинг яна бир иxtirosi билан қизиқиб қолди. Р. Ҳайдаров ЎЗА муҳбирига бу ҳақда сўзлаб берди:

– Ичимлик сувнинг сифати инсон соғлиғига таъсир қилувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Одамларнинг саноат ва аграр соҳалардаги фаолияти атроф-муҳитнинг, шунингдек, ер усти ва ер ости сувларининг ифлосланишига олиб кел-

(Давоми 2-бетда).

ИНВЕСТИТОРЛАР УЧУН ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

Матбуот анжумани

«Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларида инвесторлар учун янги имкониятлар» — миллий матбуот марказида бўлиб ўтган навбатдаги анжуман шу мавзуга бағишланди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси томонидан ташкил этилган бу анжуманда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилнинг 26 мартда «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастурлари амалга оширилишини, хорижий инвестицияларни жалб этиш фаолиштирилишини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг иқтисодий ислохотларнинг бу йўналиши ривожланишида катта аҳамиятга эга эканлиги атрафлича тушунтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2001 йил якуналарига бағишланган йиғилишида республика Президентини халқ хўжалиги тармоқлари ва

корхоналарни модернизация қилиш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш асосида экспорт товарлари ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш, иқтисодий-тимиздаги таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштиришдан иборат стратегик вазифаларни белгилаб берди. Унинг асосий йўналишларидан бири давлат мулкни тасарруфдан чиқариш ва хусусийлаштиришдир.

Биргина ўтган йили олиб борилган ишлар натижасида 743 та иншоот ўз мулк шаклини ўзгартирди. 12 миллиард сўмликдан ортиқ акциялар сотилди. Чет эллик сармоядорлар 33 та объект харида қилдилар. Жорий йилнинг биринчи чорагида эса, 285 та корхона хусусийлаштирилди. 30 дан ортиқ объектлар акцияларини сотишдан 3 миллиард сўмдан ортиқ пул тушди. Ўтган йили мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлашти-

риш бўйича эришилган натижа олдинги йилдагига нисбатан икки баравар кўп бўлди.

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнлари янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш, корхоналарнинг инвестиция жалб этувчанлигини ошириш, хорижий инвестицияларни тўғридан-тўғри жалб этишнинг қулай шаклларида фойдаланиш мақсадида республика Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган ушбу қарорга мувофиқ хусусийлаштириш дастурига 751 та корхона киритилди. 539 та корхона активлари эса, биржа ва биржадан ташқари бозорда чет эл инвесторларига ва хусусий мулк сифатида сотиладиган корхоналар рўйхатидан жой олди. Хусусийлаштирилган корхоналарда акцияларнинг давлат улушини сотиш тажрибасини давом эттириш назарда тутилмоқда. Йирик корхоналарнинг молиявий соғломлаштирилишига йўналтирилган узоқ муддатли инвестициялар жалб қилиниши учун сотиб олиш тўлови тўлашни беш йилгача бўлган муддатга узайтириш назарда ту-

тилмоқда. Уларнинг мол-мулкни қисмларга бўлиб сотиш ҳам қўлланилади. Бундан ташқари, корхоналарнинг ижтимоий инфратузилма иншоотларини хусусийлаштирилиши кенг қўламда давом эттирилади. Бу ишлаб чиқаришга оид бўлмаган харажатларни камайтиради ва тамомла бартараф этади.

Матбуот анжуманида маъруза қилган давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари М. Аскарлов янги қарорнинг бошқа муҳим жиҳатлари ҳақида ҳам батафсил тўхталди. Ушбу стратегик вазифани амалга ошириш халқ хўжалигида таркибий ўзгаришлар, кўп тармоқли иқтисодий тўрғун барпо этиш ва унда хусусий мулкчиликнинг етакчи ўрнини таъминлаш билан боғлиқ бўлган иқтисодий ислохотларни муваффақиятли рўёбга чиқаришга ёрдам беради, деди у.

Анжуманда оммавий ахборот воситалари ходимларининг кўпдан-кўп саволларига аниқ ва атрафлича жавоблар қайтарилди.

ФАХРИЙЛАР ШАРАФЛАНДИ

Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан Оҳангарон тумани маданият ишлари бўлими ходимлари шу соҳани ривожлантиришга муносиб улуш қўшган, кўп йиллар маданият муассасаларида меҳнат қилиб, кексалик гашини сураётган фахрийларни бир пиёла чойга тақлиф этишди.

Шу кунни улар марҳум Абдужаббор Эргашевни хотирладилар. Саттор Орипов, Нелла Зарипова, Ҳабиба Тожиева сингари устоз ҳамкасбаларининг суҳбатларидан баҳраманд бўлдилар. Уларга эсдалик совғаларини улашдилар.

Муқаддас АЛИЕВА.



ҲАМКОРЛИК САМАРАЛАРИ

Тошкент вилоят давлат солиқ бошқармаси вилоят прокуратураси ҳузуридаги солиққа оид жиноятларга қарши кураш бошқармаси билан ҳамкорликда иқтисодий хавфсизликни таъминлаш, солиқ интизомини мустаҳкамлаш масалаларига бағишланган қўшма йиғилиш ўтказди.

Таъкидланганидек, жорий йилнинг ўтган даврида акциз маркаси қўйилмаган ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини ноқонуний ишлаб чиқариш ва сотиш ҳолатлари аниқланиб, ҳуқуқбузарлардан жами 2 миллион сўмликдан кўпроқ шундай маҳсулот мусодара этилди.

Ноқонуний пул айланмаларини аниқлаш, бартараф этиш ва кунлик нақд пул тушумларини банк муассасаларига тўлиқ тушишини таъминлаш борасида 41 та ҳолат бўйича назорат касса машиналаридан ноқонуний фойдаланаётган корхона ва савдо нуқталари аниқланди.

Этиборлиси шундаки, олиб борилган ҳуқуқий тарғибот натижасида солиқ тўловчилардан

42 миллион сўмдан ортиқ маблағ ихтиёрий равишда давлат бюджетига тўланди.

Тадбирда иқтисодий фаолият ва солиққа оид жиноятларга қарши курашни янада жадаллаштириш, бу борада тезкор қидирув, суриштирув ҳамда профилактика ишларининг самарадорлигини ошириш зарурлигига эътибор қаратилди. Шу билан бирга йўл қўйилган ҳато ва камчиликлар таҳлил этилиб, келгусида бундай ҳамкорликни янада такомиллаштириш, ижро ва хизмат интизомини таъминлаш бўйича амалга ошириладиган тадбирлар белгиланди.

Н. АБДУРАИМОВА,
ЎЗА МУХБИРИ.

ОБ-ҲАВО ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

Апрелнинг охирида об-ҳаво қандай бўлади? Республика гидрометеорология бош бошқармаси мутахассислари «Туркистон-пресс» мухбирига бу ҳақда қуйидагиларни айтишди.

— Ўрта Ер денгизидан мамлакатимизга нам ҳаво оқимининг кириб келиши оқибатида ёгингарчилик бўлиб турибди, — деди об-ҳаво бўлимининг етакчи синоптик муҳандиси Фотима Қосимова. — 30 апрелгача бундай беқарор об-ҳаво сақланиб, қисқа муддатли жала ҳамда ёмғир ёғиши кутилмоқда. Тоғ олди худудларида эса сел келиши хавфи бор. Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Хоразм, Навоий, Қашқадарё, Самарқанд, Жиззах, Тошкент вилоятларида ёгингарчилик апрель ойида меъёридан 1,5-2 баравар кўп ёғди.

Қишлоқ хўжалиги метеорологияси бўлими бошлиғи Ҳамидулла Абдуллаевнинг таъкидлашича, баҳор фаслида ёгингарчиликнинг кўп бўлиши деҳқончилик учун фойдалидир. Ёмғир ёғиши туфайли ерда нам тўпла-

ниб, ўсимлик ўсишига қулай шароит туғилади. Шунинг учун ғаллакорларимиз ва чорвадорларимиз бундай об-ҳаводан ташвишга тушишгани йўқ. Бироқ қизгин чигит экиш даври бўлган апрель ойидаги ёгингарчилик натижасида муҳим агро-техник тадбирлар кечикади, чигит экиш белгиланган муддатда ўтказилмайди. Қишлоқ хўжалиги экинларининг ривожланиши, ҳосилдорлиги об-ҳаво шароитига узвий боғлиқ. Шу сабабли ноқулай об-ҳаво шароитлари, хавфли ҳодисалар ҳақидаги баҳоратлар ва оғохлантиришлар қишлоқ хўжалиги юмушларини тўғри режалаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Қишлоқ хўжалик экинларини экиш даврида метеорологик ва агрометеорологик ахборотлардан кенг фойдаланилса мақсадга мувофиқ бўлади.

ди. Бундан ташқари, тоза ичимлик сув бўлмаган ёки унинг захираси чекланган худудлар ҳам кўп.

Бу борада мамлакатимиз аҳолисини ичимлик сув билан таъминлаш муаммоси марказлаштирилган ҳолда муваффақиятли ҳал этилмоқда. Бу курғоқ туманларга ичимлик сув етарли бўлган худудлардан сувни қувурлар орқали олиб келиш йўли билан амалга оширилмоқда. Афсуски, бундай услуб муайян камчиликларга эга. Яъни, узоқ туманларга, республикамизнинг барча курғоқ худудларидан жойлашган кичик аҳоли пунктларига сув етказиб бериш қийин бўлмоқда. Ушбу аҳоли пунктларида сув муаммосини тоза ичимлик сувнинг марказлаштирилмаган тизимидан фойдаланиш орқали ҳал этиш мумкин.

Айни пайтда сувни тозалашнинг ион алмашуви, электрдиализ, тескари осмос ва бошқалар каби усуллари маълум. Буларнинг барчаси катта молиявий ва энергетик сарф-харажатларни талаб этади. Бироқ, уларнинг асосий камчилиги шундаки, асбоб-ускуналарга хизмат кўрсатиш юқори малакали ходимлар томонидан амалга оширилади. Бу эса кичик аҳоли пунктларига тўғри келмайди. Биз ишлаб чиққан сувни тозалашнинг кичик тизими юқори самарали бўлиб, энергияни кам сарфлайди ва хизмат кўрса-

(Давоми. Боши 1-бетда).

тувчи ходимлардан юқори малакани талаб қилмайди.

Кичик тизим ичимлик сувни чуқурлаштириш, уни тузлар, ионлар, металллар, радионуклидлар, органик пестицидлар, феноллар, диоксин ва бактериялардан тозалашга мўлжалланган. Тизимнинг ишлаши босим ва ҳарорат ошганда сув ҳамда буг хусусиятларининг ўзгаришидан фойдаланишга асосланган. Кичик ти-

молчилар сонига қараб танланади. Бунда ҳар бир одам кунига 3-5 литр сув сарфлаши кўзда тутилади. Кичик тизимнинг узлуksиз ишлаш муддати кунига 20 соатни, профилактик ишлар эса кунига 4 соатни ташкил этади. Яъни, 1000 киши истиқомат қиладиган қишлоқ ёки маҳалла учун соатига 200 литр сув тозалайдиган кичик тизим керак.

Сувни чуқурлаштирувчи ускуна

Шуни таъкидлаш керакки, электр энергия, паст босимли табиий газ, бензин ёки мазут сув тозаловчи кичик тизим учун энергия манбаи бўлиши мумкин. Манба тури аҳоли пунктнинг энергия имкониятларидан келиб чиққан ҳолда танланади. Бу кичик тизимни ишга тушириш режалаштирилган аҳоли пунктда талаб этилган қувватга эга электр станцияси ёки газ қувури бўлишига боғлиқ. Мазкур ускуналарга қўллаб-қўриш жойи фирмалар қизиқиш билдирмоқда.

Умумдорлиги бўйича сув тозаловчи кичик тизим тури истеъ-

Н. УСМОНОВА,
ЎЗА МУХБИРИ.

МИЛЛИЙ БОҒНИНГ САРА КЎЧАТЛАРИ

Юртимизнинг яшил либосга бурканиши, мевали боғларнинг кенгайишида Оҳангарон ўрмон хўжалиги ходимларининг хизмати катта бўлмоқда.

Бундан уч йил илгари хўжалик майдони 142 минг гектарни ташкил этар эди. Ҳозирги пайтда Ўгом-Чотқол миллий боғи чегараларидан яна 30 минг гектар майдон қўшиб олинди. Шундай қилиб, ўрмон хўжалиги айни пайтда 172 минг гектар майдонда фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда қурилиш учун керак бўладиган терак ва шу сингари дарахтлар ўстирилиши билан бирга манзарали, мевали кўчатлар ҳам қўллаб тайёрланади.

Ўтган йили хўжалик вилояти-



мизнинг турли туманларига 6 миллион сўмликдан зиёд сара кўчат етказиб берди. Бу каби хайрли ишларни амалга ошириш-

да ўрмон хўжалигининг Мавлон Эргашев, Диёр Зокиров, Марҳамат Қодирова сингари боғбонларининг ҳиссаси катта бўлмоқда. Бош нозир Тўхлибой Ўглонов эса, экилган кўчатларни авайлаб парваришлаш ва сифатли кўчат тайёрлашда ҳамкасбларига ўрнатқуч бўлаётди.

Тумандаги «Ангрен» ширкат хўжалигида ҳам кейинги пайтларда моддий бойлик этиштиришни кўпайтиришга қаратилган қатор тадбирлар амалга оширилди ва оқибатда хўжаликнинг иқтисоди анча мустаҳкамланишига эришилди.

Теша ШЕРАЛИЕВ.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан Конда хатардан қутқарувчи ҳарбийлаштирилган қисмлар штаби тузилгач, ўтган давр мобайнида нима ишлар қилинди?

Мухбиримиз яқинда Ўзбекистон Республикаси Конда хатардан қутқарувчи ҳарбийлаштирилган қисмлар штабининг бошлиғи Муроджон АБДУБОЕВ билан суҳбатда бўлди.

— Хизмат соҳангиз алоҳида мақомга эга. Айтинчи, ҳар ким ҳам бу соҳада ишлаб кета оладими? Қутқарувчиларнинг руҳий-маънавий тайёргарлигига қандай талаблар қўйилади?

— Конда қутқарув хизмати ходимларининг билими, бурча муносабати, маънавий-руҳий фазилатларига талаблар ўзгача. Улар гоҳо гоҳо мураккаб вазиятларда иш олиб боришлари тўғри келади. Баъзида ҳаёт-мамот, соғлиққа бевосита зарарли ҳолатларга рўпара келиб қолишади. Шундай пайтларда конда, шу аснода оғир ахволда бўлган кишиларни қутқариш, уларнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун масъуллик туйғуси устун чиқади: ходимларимиз газ чиқиб турган, ёнган қутураётган, кон ўпирилиб тушаётган участкаларга шошиладилар. Бунинг учун инсон ўзини руҳан тайёрлаши керак бўлади.

— Бугунги кунда зиммангизга қандай вазифалар қўйилган?

— Кўмир ва рангли металл конлари, энергетика, транспорт ва ер ости иншоотлари қурилишида қутқарув ишларини олиб борамиз. Қисмларимизнинг тезкор-техник тайёргарлигини ошириш, уларни замонавий ускуналар ва воситалар билан қуроллантириш, турли фалокатларни

бартараф қилиш чораларини кўрамиз.

— Қутқарув жараёнида бажарилиши мумкин бўлган ишлар нималардан иборат?

— Жангчиларимиз фалокат юз берган жойга тезда етиб бориш учун ҳамиша тайёр ҳолда бўлишади. Табиийки,

АЛОҲИДА МАҚОМГА ЭГА ХИЗМАТ

қутқариш ишларига киришаётиб, вазиятни тўлиқ ва аниқ билиш керак.

Умуман, фалокат юз берганда бажариладиган ишлар тури, кўлами ва ҳажми хилма-хил бўлади. Энг аввало, одамларни қутқариш, уларнинг ҳаёти ва соғлигини сақлаб қолиш тadbирлари бажарилади. Жароҳат олган кишиларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатилади. Айна пайтда, айтилик, ер ости ёнғинлари тарқалишининг олдини олишга киришилиб, ёнғин ўчирилади. Газ ва чанг портлашлари юз бермаслиги чоралари кўрилади. Бехосдан отилиб чиққан газ

оқимлари, тоғ жинслари кўчиши ёки ўпирилиши бартараф қилинади. Баъзи ҳолларда ер усти иншоотларида юз берган фалокат кончилар ҳаётига хавф туғдириши мумкин. Шундай пайтларда ер остида ишлаётганларни қутқаришга дарҳол киришилади. Ходимларимиз конбойитиш, қадоқлаш ва агломерат фабрикаларида, бошқа тоғ-кон иншоотларида қутқарув ва фалокат оқибатларини бартараф қилиш ишларини бажардилар.

Биз содир бўлиши кутилган фалокатларнинг олдини олиш бўйича йўриқномалар, фалокатларни бартараф этиш режа-тадбирларини ишлаб чиқишда ҳам

фаол қатнашамиз.

— Айтилик, кўмир конида қутқарувчи фаолиятнинг ўзига хослиги нималардан иборат?

— Тўғри, ҳар турли маъдан конларида қутқарув хизматининг хусусиятлари ўзига хос. Шахта — ёпиқ усулда кўмир қазиб олинувчи мураккаб ва ноёб иншоот. Табиийки, унинг хавфли жиҳатлари ҳам йўқ эмас. Тайёргарлик ишлари, йўл очиш ва тозалаш, кўмирни қазиб олинган жойдан юқорига ташиб чиқиш — ана шу мураккаб технологик жараёнларда ҳар хил кутилмаган ҳодисалар юз бериши мумкин.

Қарор ва ижро

Қутқарув хизматининг биринчи алоҳида ҳарбийлаштирилган взводи кўмир шахталарида иш олиб боришга ихтисослашган. Ҳозирда бу жамоага Виталий Степанович Ким раҳбарлик қилмоқда. У ўз ишининг ҳақиқий устаси. Билсангиз, кончиларнинг бир тур касб касаллиги бўлади. Бу — пневмокониоз деб аталади. Қутқарувчилар конларда узлуксиз олиб бориладиган ишлар — кўмирни қазиб олиш пайтида кўтариладиган қора кукун ва қатлам-тош чангини йўқотиш билан боғлиқ. Унинг тўпланиш даражасини камайтириш оғир касб касаллигининг олдини олишга ёрдам беради.

— Жамоанинг хизмат самаралари ҳақида нималар дея оласиз?

— Мана, масалан, Геннадий Иванович Тишин раҳбарлик қилаётган 7-конда хатардан қутқарувчи алоҳида ҳарбийлаштирилган взвод фаолиятини олиб кўрайлик. Бу шахсий таркиб мустақиллик йилларида 20 дан ортиқ турли фалокатларнинг оқибатларини бартараф этишда қатнашди. Жамоа қутқарувчилари 20 марта ноҳуш вазиятларга тушиб қолган кишиларга ёрдам кўрсатишди, ўн марта конлар ва мураккаб иншоотлардаги ёнғинларни ўчиришлари тўғри келди. Шу фалокатларнинг оқибатларини бартараф этиб, 30дан ортиқ кишининг ҳаёти сақлаб қолинди. Жами 10 минг 560 киши-соати миқдоридида қутқарув ишлари бажарилди.

Суҳбатдош:
Жўра САЪДУЛЛАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»
муҳбири.

ЎЗГИ МАВСУМ ТАРАДДУДИ

Бўстонлиқ туманидаги Чимгансой қишлоғи ҳудудида жойлашган «Алгоритм» болалар соғломлаштириш оромгоҳида 2002 йилнинг ўзги мавсуми даврида Тошкент шаҳар қорхоналари тасарруфидаги болалар оромгоҳларида меҳнаткашлар фарзандларини соғломлаштириш ва дам олдиришни ташкил этиш юзасидан семинар машғулоти бўлиб ўтмоқда.

Семинар машғулотида Тошкент шаҳар қасаба уюшмалари кенгашининг масъул ходимлари, болаларни соғломлаштириш ишларини ташкил этиш, шаҳар комиссиясининг аъзолари, Бўстонлиқ туманининг тегишли идоралари раҳбарлари, пойтахт театр ва концерт ташкилотлари ҳамда болалар муассасаларининг мутасадди ходимлари, оромгоҳлар бошлиқлари, катта етакчилари ва катта бухгалтерлари иштирок этиб, соғломлаштириш мавсумини болалар учун мазмунли, мароқли ва осойишта тарзда ўтиши учун кун тартибидидаги долзарб масалаларни атрофича муҳокама қилишмоқда. Тадбир бугун ўз ишини якунлайди.

Улуғбек ПЎЛАТОВ.

ТАСИС ва давлат бошқаруви ислоҳоти

2002 йил май ойида ТАСИСнинг «Давлат бошқарувини такомиллаштириш ва давлат хизмати ислохотига кўмаклашиш» лойиҳасини ҳаётга татбиқ этиш мuddати якунланади.

Мазкур лойиҳа Буюк Британия, Голландия ва Ўзбекистон экспертлари билан биргаликда амалга оширилди. Лойиҳанинг ахамияти, мақсади ва вазифалари ҳақида унинг раҳбари Рональд Янг шундай дейди:

— Лойиҳани амалга ошириш 1999 йил майида бошланди. Иш жараёнида ҳудудий бошқарув тизимини такомиллаштириш ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши масалаларини ҳал этишда вакиллик органлари ролини ошириш бўйича таклифлар тайёрланди. Ҳокимликлар ва вазирликларда номарказлаштириш, демократлаштириш, ижро интизомини мустаҳкамлаш, давлат органлари вазифаларини такомиллаштириш, таълим, соғлиқни сақлаш тизимларини ривожлантириш истиқболлари масалалари юзасидан семинарлар ўтказилди.

Лойиҳа доирасида экспертлар «XXI аср маҳалласи», «Ҳокимият ваколатларини босқичма-босқич бериш» концепциялари муҳокамасида иштирок этди ҳамда маҳаллий ўзини-ўзи бошқарув бўйича Европа Хартияси нуқтаи назаридан ўзгариш ва қўшимчалар киритиш таклифини билдирди. Шунингдек, лойиҳа экспертлари «Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида», «Давлат органлари томонидан фуқароларнинг ариза ва шикоятларини кўриб чиқиш тўғрисида», «Конунлар лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида»ги қонунлар лойиҳаларининг янги таҳрири бўйича шарҳлар, тузатишлар ва таклифлар ишлаб чиқди.


Х. СОДИҚОВА,
ЎЗА муҳбири.

Семинар-тренинг иш бошлади

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, ЮНЕСКО ва ЮНФПА (БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси) ҳамкорлигида ташкил этилган репродуктив саломатлик ва репродуктив ҳуқуқлар соҳаларида меҳнат қилаётган тренерларни ахборот билан таъминлаш бўйича уч кунлик семинар-тренинг ўтказилмоқда.

Унда Самарқанд, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳрининг хотин-қизлар кўмиталари, тиббиёт муассасалари, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этмоқда.

— Мамлакатимизда хотин-қизлар ва ёш авлод саломатлигини яхшилаш масаласи давлатимизнинг устувор вазифаларидан бири саналади, — деди Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар кўмитаси раисининг ўринбосари Д. Қобулова. — Жорий йилнинг 25 январидида оилалар тиббий маданиятини янада ошириш, хотин-қизлар соғлигини мустаҳкамлаш, ёш авлод туғилиши ва тарбияси учун шароит яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг «Аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.
З. УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири.



Шифокор мулоҳазалари

Фарида хола набирасини кўчада айлантириб қайтгач, бироздан сўнг Носиржоннинг ранги ўчиб, истмай бошлади.

ГЎДАКЛАРГА ДАРД ЮҚМАСИН

— Кунлар исиб қолди деб, кўчага олиб чиққанимда сенга кўни-кўшнларнинг кўзи тегди шекилли, — деди Фарида хола. — Ҳозир Васида келинкойини чақираман, кинна солиб кўяди, яхши бўлиб кетасан.

Васида хола келиб, гўдакка кинна солган бўлди. Аммо, унинг кўзлари киртайиб, ранги ўчиб, ич кетиши бошланди. Хавотирга тушган Фарида хола келини билан бирга Носиржонни касалхонага олиб боришди. Шифокорлар дарҳол керакли муолажаларни қилишди. Носиржон ўзига кела бошлади. Шифохонада даволангач, соғсаломат уйига қайтди.

Гўдаклар орасида шамоллаш, ич кетиши касалликлари кўп кузатилади. Аксарият ҳолларда бу дардлар болаларни бирдан ҳолдан тойдириб кўяди. Баъзан бундай безовталанишлар кўнгилсиз оқибатлар билан тугаганлиги ҳам тажрибада кўп учратилган. Бунга аввало бола организмнинг турли хасталикларга қарши курашиш хусусияти кучсизлиги сабаб бўлса, яна бир омили — иссиқ кунлар бошланиши билан турли микроблар фаоллиги ошиб,

уларнинг ташқи муҳитда тез тарқалишидир.

Микроблар кўпинча одам организмга оғиз орқали, ифлосланган кўллар ёки бошқа буюмлардан юқади. Улар ҳашаротлар, айниқса, пашшалар воситасида тарқалади.

Ўз-ўзидан савол туғилади, қайд этилаётган ич бузилиш билан боғлиқ касалликларнинг сабабчиси — гўдак болаларга микроблар қандай юқиши мумкин? Ахир уларнинг аксарияти она сuti билан озикланади. Бундай болалар орасида умуман хасталиклар ҳам учрайди. Чунки айнан она сuti орқали онадан гўдак организмни химояловчи антигенлар ҳам киради. Лекин, бола ни эмизиш ва оқватлантириш гигиенаси ҳамда шахсий гигиена қоидаларининг бузилиши кўпинча унинг хасталанишига сабаб бўлади.

Одатда она сутининг етишмаслиги ёки умуман бўлмаслиги боис гўдак қўшимча тарзда озиклантирилади. Уни ҳамиша бир марталик истеъмолга мўлжаллаш лозим. Акс ҳолда оқватнинг асосий қисми сутли бўлганлиги ва сифатининг тез бузилиши натижасида қайта истеъмол қилган-

да гўдак организмда касаллик келтириб чиқаради.

Бола оқватланадиган идиш-товуқларнинг тоза ювилиши ва эйтиборлироқ сақланиши турли хасталикларнинг олди олинишида муҳим омилдир. Улар бир кунда бир мартаба дезинфекцияланиши мақсадга мувофиқ бўлади. Бунинг энг осон усули эса, идишларни қайнатиб олишдир.

Кўпинча гўдакнинг ичи кетиб ёки қайт қила бошлаганда шифокорга мурожаат этиш ўрнига ҳозир ўтиб кетади деб кутадилар ёки ўзларича турли дори-дармонлардан фойдаланадилар. Бундай «ўзбилармонлик»лар эса кўпинча салбий оқибатларга олиб келади.

Шундай ҳолат рўй берганда жойлардаги тиббий бўлимларнинг алоҳида хоналарига мурожаат этилса, уларда махсус тузли эритма билан бола озиклантирилади ва касалликка чек қўйилади. Шунда ортиқча асаб-бузарликлар, сарф-ҳаражатларга ҳожат қолмайди, болангиз дарддан фориғ бўлади.

Абдуҳаким
САРИМСОҚОВ,
олий тоифали шифокор.

Dushanba

29

Ўзбекистон телеканаллари

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Тахлилнома»
8.45, 17.55 ТВ маркет.
8.50 «Камалак». Болалар учун кинодастур.

кундалиги.
14.10 «Олтин тоғ». Телевизион ўйин.
14.40 ТВ анонс.
14.45 Кундузги сеанс: «Жабранувчиларнинг даввоси йўқ». Бадийий фильм.

21.05 «Кўшигимиз Сизга армуғон».
21.30 «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари кундалиги.
22.00 2002 йил - Қарияларни кадрлаш йили. «Париси бор уй».

Ўшлар телеканаллари

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр тонги.
10.00 «Янги авлод» студияси: «Спорт майдончаси», «Келинг танишайлик».

Республика ёш томошабинлар театрининг спектакли.
14.20 «Нокаут».
14.45 Кўҳна оҳанглар.
14.55 «Фаройиб бола».

Тошкент телеканаллари

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 Болажонлар экрани. «Пеппи-узун пайпоқ».
18.00 «Муסיқий меҳмонхона».

21.30 Кишлоқдаги тенгдошим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.40 «Мухаббат қаҳваси».

Халқаро телеканал

РЖТ 6.30-8.00
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Вести».
16.25 «Мульттомоша».

21.45 «Халқ саломатлиги йўлида».
22.45 Кинонигоҳ. «Истеъдодли жаноб Рипли». 1-қисм.
23.45-23.50 «Хайрли тун, шаҳрим!»

30-й канал

До 16.55 профиллактические работы
17.00 Программа передач
17.05 Документальное кино на 30-м: «Человек и море»

ортида». Бадийий фильм.
23.20 «Ахборот» (рус тилида)
23.50 «Тунингиз осуда бўлсин!»

Seshanba

30

Ўзбекистон телеканаллари

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.

13.35 «Миллионлар ўйини».
14.10 «Эртақлар - яхшиликка етаклар».
15.20 «Лазги» ашула ва рақс ансамблининг концерти.
15.55 «Ўч». Видеофильм.

Телесериал премьераси.
22.15 «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари.
22.40 «Оталар сўзи - ақлинг кўзи».

Ўшлар телеканаллари

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» почтаси, «Билагон маслаҳати».

17.10 Таянч.
17.35 ТВ-анонс.
17.45 Ватан манзаралари.
18.05 Автопатруль.

Тошкент телеканаллари

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
18.00 Мультфильм.

олади». Бадийий фильм.
1.30 - 1.35 «Хайрли тун!»
«Тошкент» телеканаллари
17.15 Кўрсатувлар тартиби.

Халқаро телеканал

РЖТ 6.30-8.00
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Вести».

16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Вести».
16.25 «Жаҳон бўйлаб».

30-й канал

09.00 Программа передач
09.05 «Теле-хамкор»
09.30 Детский час
10.25 «Таинственные рыцари ТИР НА НОГ», сериал

10.50 «Мир боевых искусств», спортивная передача
11.20 «Чертенюк», телесериал

Chorshanba

1

Ўзбекистон телеканаллари

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.

13.30 «Ошин». Телесериал.
14.10 «Баркамол авлод орзуси».
14.30 Болалар учун. «Санъат гунчалари».

21.05 «Умид ниҳоллари» спорт ўйинларининг тантанали ёпилишига бағишланган бадийий-спорт байрами.

Ўшлар телеканаллари

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар», болалар шеърляти.

13.20 Кўҳна оҳанглар.
13.35 Ёшлар овози.
13.55 «Дунё». Бадийий фильм. 2-қисм.

Тошкент телеканаллари

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
18.00 Болажонлар экрани. Мульттўплам.

21.45 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.40 «Мухаббат қаҳваси».

Халқаро телеканал

РЖТ 6.30-8.00
16.05 «Вести».
16.25 «Аншлаг».

16.05 «Вести».
16.25 «Аншлаг».
17.15 «Хаёллар ороли».

30-й канал

09.00 Программа передач
09.05 «Теле-хамкор»
09.30 Детский час
10.25 «Таинственные рыцари ТИР НА НОГ», сериал

развлекательная программа
11.20 «Чертенюк», телесериал
12.05 «Крестоносцы», 2 серия

Payshanba

2

Ўзбекистон телеканаллари

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.

ёшлари».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Мулк».
10.25 «Кимматбахо бола».

13.05 «Озод юрт одамлари».
13.25 ТВ анонс.
13.30 «Ошин». Телесериал.
14.10 «Даврани кенгроқ олинг». Муסיқий дастур.

Ўшлар телеканаллари

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар», болалар шеърляти.

18.30 «Яхши ният». Телелоторея.
19.05 «Инсон ва қонун».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ёшларлар

Тошкент телеканаллари

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
18.00 Болажонлар экрани. Мульттўплам.

23.05 «Ахборот-дайжест».
23.25-23.30 Ватан тимсоллари.
«Ўшлар» телеканаллари
8.55 Кўрсатувлар дастури.

Халқаро телеканал

РЖТ 6.30-8.00
16.05 «Вести».
16.25 «Аншлаг».

11.45 Чемпион сирлари (рус тилида)
12.05 Кўҳна оҳанглар.
12.15 «Умид ниҳоллари» спорт ўйинларининг тантанали ёпилишига бағишланган бадийий спорт байрами.

30-й канал

09.00 Программа передач
09.05 «Теле-хамкор»
09.30 Детский час
10.25 «Таинственные рыцари ТИР НА НОГ», сериал

17.35 «Янги авлод» студияси «Катта танаффус».
18.00 Ёшлар куйлайди.
18.10 Оғоҳ.

21.30 Ёшлар овози.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.40 «Муҳаббат қаваси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида.
23.50 «Давр». Ахборот дастури.
00.55- 1.00 «Хайрли тун!»

«Тошкент» телеканал

17.15 Кўрсатувлар

тартиби.
17.20 ТТВада сериал: «Санта-Барбара».
18.00 Болажонлар экрани. Мульттўплам.
18.25, 20.00, 21.25, 22.45 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.45 ТТВада сериал: «Индаба». 7-8-сериялар.
19.35, 21.10, 22.30 «Экспресс» телегазетаси.
19.50 «Жозоба».
20.30 ТТВада сериал: «Бибилска пул».
21.45 «Дорихона эшитади».

Бевосита мулоқот.
23.10 Кинонигоҳ, «Гўзал Сабрина».
00.40-00.45 «Хайрли тун, шахрим!»

«Халқаро» телеканал

16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Вести».
16.25 «Жаҳон бўйлаб».
17.10 «Бугун оламда».
Ахборот кўрсатуви.
17.20 СФИ тақдим этади: «Шамборд қасрининг сирлари».

18.10 «Ҳазил кетидан ҳазил». Ҳажвий кўрсатув.
18.50 «Ким миллионер бўлишни истайди?»
20.00 «Время».
20.30 М. Евдокимов, М. Галкин, А. Ширвиндт, М. Державин, Л. Гурченко ва бошқалар Ефим Шифрин бенефисиди.
23.20 «Дунё мамлакатлари».
23.40 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
23.50 «Ҳаёллар ороли».

Сериал.
00.35 «Ахборот» (рус тилида)
1.05 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-й канал

09.00 Программа передач
09.05 «Теле-хамкор»
09.30 Детский час
10.25 «Таинственные рыцари ТИР НА НОГ», сериал
10.50 «Яши кайфият», музыкально-развлекательная программа

11.20 «Чертенок», телесериал
12.05 «Дон Сезар де Базан», музыкальный, 1 серия
13.30 «Майами Сендс», телесериал
14.15 Детский час
15.10 Дневной киносеанс: «Раз на раз не приходится», комедия
16.50 «Симпсоны», мультсериал
17.15 «Кино, кино, кино»
17.40 «Теле-хамкор»
18.05 «Развязка

петербургских тайн», телесериал
19.00 Киновечер на 30-м: «Хакеры», приложения
20.35 «Теле-хамкор»
21.00 «Спокойной ночи, малыши!»
21.20 «Ошикона» музыкальная передача
21.30 Киновечер на 30-м: «Аферист», комедия
23.15 «Скорая помощь», телесериал
24.00 Спорт в полночь
00.55 Программа передач

ЖУМА

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Тилларанг ришталар жозибаси».
9.15 «Олтин мерос».
9.35 «ТВ-клуб».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Рухият манзаралари».
10.40 «Диққат, шахарда сеҳрар!» Бадий фильм.
11.35 «Йиллар ва йўллар».
11.55, 13.05 ТВ анонс.
«Болалар сайёраси»:
12.05 1. «Цирк, цирк, цирк». 2. «Бешбармоқ». Тележурнал.
13.10 «Аския».
13.30 «Ошин». Телесериал.

14.10 «Унутмас мени богим». Бадий-публицистик кўрсатув.
14.30 Кундузги сеанс: «Метичара - денгиз жонивори». Бадий фильм.
15.50 «Симфоник мусиқа дунёси».
16.10 «Фарзанд - умид қолдузи».
16.35 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.
16.55 ТВ клип.
«Болалар сайёраси»:
17.00 1. «Болаликнинг мовий осмони». 2. «Ўйла, изла, топ!»
18.10 «Тафсилот».
18.25 «Омад қувончи». Телелотерея.
19.05 «Хидоят сари».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 «Бир жуфт кўшиқ».
20.30 «Ахборот».
21.05 Ўзбекистон халқ

артисти Б.Ҳамдамов.
21.30 «Умид ниҳоллари» спорт ўйинларининг якунларига доир.
21.50 «Ўзбекистон» каналда илк маротаба: «Ошин». Телесериал премьераси.
22.20 «Олтин бешиқ».
22.45 «Йўл бошида».
23.05 «Ахборот - дайжест».
23.25 - 23.30 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканал
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Катта танаффус».
9.40 «Мульттомоша».
9.55 Давр-интервью.
10.10 Мезон.
10.30 «Эсмеральда». Телесериал.
11.00 Мусиқий лаҳзалар.
11.10 Ёшлар овози.
11.30 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
12.20 Қўҳна оҳанглар.
12.30 Қадрлар тайёрлаш миллий дастури амалда: «Моҳият».
12.50 Интерфутбол.

14.30 Ватан манзаралари.
14.50 «Зирағча». Бадий фильм.
16.20 Олов билан юзма-юз.
16.40 Очун.
17.05 Кўрсатувлар дастури.
17.10 «Янги авлод» студияси: «У ким? Бу нима?»
17.30 Мультфильм.
17.40 Автосалтанат.
17.55 ТВ-анонс.
18.05 Ёшлар овози.
18.25 Хуқуқ ва бурч.
18.45 Оқшом навалари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Саломат бўлинг.
20.00 Ўзбек мумтоз мусикасидан.
20.05 Аср қиёфаси.
20.25 «Ер ишқи». Мусиқий дастур.
20.40, 21.15, 22.35 Эълонлар
20.45 «Эсмеральда». Телесериал.
21.20 «Бунёдкор» ёшлар телеклуби.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.

22.40 «Муҳаббат қаваси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалда спорт: Ринг қироллари.
00.05 «Давр». Ахборот дастури.
00.20 - 00.25 «Хайрли тун!»

«Тошкент» телеканал

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВада сериал: «Санта-Барбара».
18.00 Болажонлар экрани. Мультфильм.
18.10 «Спорт ва болалар».
18.25, 20.00, 21.25, 22.20 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.45 ТТВада сериал: «Индаба». 9-10 сериялар.
19.35, 21.10, 22.05 «Экспресс» телегазетаси.
19.50 «Соғин».
20.25 ТТВада сериал: «Бибилска пул».
21.45 «Хайрли оқшом».
22.45 Кинонигоҳ.
«Ноттердамлик бухри».
00.15-00.20 «Хайрли тун, шахрим!»

«Халқаро» телеканал

16.00 Кўрсатувлар тартиби.

16.05 «Вести».
16.25 СФИ тақдим этади: Африка ёввойи жонзотлари».
17.10 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
17.20 «Ўз-Ўзига режиссёр».
18.10 «Ҳазил кетидан ҳазил». Ҳажвий кўрсатув.
18.50 «Муъжизалар майдони».
20.00 «Время».
20.30 «Соккер клуб».
20.50 «Ҳаёллар ороли». Сериал.
21.35 «Дурдаршан».
22.00 Кинонинг олтин асри: «Денгиз бўриси». Бадий фильм.
23.25 «Ахборот» (рус тилида)
23.55 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-й канал

09.00 Программа передач
09.05 «Теле-хамкор»
09.30 Детский час
10.25 «Таинственные рыцари ТИР НА НОГ», телесериал
10.50 «Сухбатдош»
развлекательная

программа
11.20 «Чертенок», телесериал
12.05 «Дон Сезар де Базан», 2 серия
13.30 «Майами Сендс», телесериал
14.15 Детский час
15.10 Дневной кинозал: «Апачи», приложения
16.50 «Симпсоны», мультсериал
17.15 «Очевидец», документальный сериал
17.40 «Теле-хамкор»
18.05 «Развязка петербургских тайн», телесериал
19.00 Киновечер на 30-м: «Одинокий мститель», боевик
20.35 «Теле-хамкор»
21.00 «Спокойной ночи, малыши!»
21.20 «Ошикона», музыкальная передача
21.30 Киновечер на 30-м: «Умница Уилл Хантинг»
23.15 «Скорая помощь», телесериал
24.00 Спорт полночь
00.55 Программа передач

ШАНБА

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Фавворалар».
9.10 «Хидоят сари».
9.30 «Алиса гаройиботлар мамлакатида». Мультфильм.
10.45 «Олтин бешиқ».
11.10 «Қувноқ стартлар». Телемусобақа.
«Болалар сайёраси»:
11.45 1. «Болаликнинг мовий осмони». 2. «Ўйла, Изла, Топ!» Телемусобақа.
12.45 ТВ клип.
12.55 «Найранг». Бадий фильм.
14.25 «Маърифат». Телеальманах.
14.45 «Дунё эшиклари

очилди бизга».
15.05 «Умид ниҳоллари» спорт ўйинларининг якунларига доир.
15.25 «Интерклуб».
16.05 «Ягона оилада».
16.35 «Интиланганга толе ёр».
16.55 Болалар учун. «Миттивойлар оиласи».
17.15 «Бахтимизга омон бўлинг».
17.35 «Рангин дунё».
«Болалар сайёраси»:
17.55 1. «Муъжизалар майдончаси». Телешоу.
18.55 «Пазандлик сирлари».
19.05 «Қишлоқ ҳаёти».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Ўзбекистон - Ватаним маним».
21.25 «Умид ниҳоллари» спорт ўйинларининг

якунларига доир.
21.45 «Шанба оқшомида».
22.20 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Трактор» - «Дўстлик».
23.10 «Ахборот - дайжест».
«Тунги ёғду. Дам олиш дастури»:
23.30 ТВ алманах.
23.50 «Мададкор руҳ». Бадий фильм.
1.15-1.20 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканал
7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Давр тонги».
9.00 «Янги авлод» студияси: «У ким? Бу нима?»
9.20 «Мульттомоша».
9.35 Табобат оламида.
9.55 Огоҳ.
10.10 Мусиқий лаҳзалар.
10.20 «Эсмеральда». Телесериал.
10.50 Аср қиёфаси.
11.10 «Ёшлар» телеканалда спорт: Ринг қироллари.
12.10 Ёшлар овози.
12.30 Вилоят ёш хонандалари куйлайди.
12.45 «Мурувват». Бадий фильм. 2-қисм.
13.25 «Ёшлар» телеканалда спорт: Теннис.
14.05 «Қўшча». Бадий

фильм.
15.15 Синфдош.
15.35 «Экспедиция». Ҳужжатли сериал.
16.25 Қўҳна оҳанглар.
16.35 «Рамаёна». Телесериал.
17.10 Бир ўлка-ки.
17.30 Кўрсатувлар дастури.
17.35 «Янги авлод» студияси: «Олтин қалит».
17.55 «Гуллар шаҳри». Мультфильм.
18.20 Футбол плюс.
18.40 Оқшом навалари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.35 Каталог.
19.45 Давр-интервью.
20.00 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Илҳом Фармонов куйлайди.
20.30, 21.15, 22.35 Эълонлар
20.35 «Мурувват». Бадий фильм. 3-қисм.
21.20 Ватан ҳақида қўшиқлар.
21.30 Қутилмаган меҳмон.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.40 Тунги тароналар.
22.50 Кинотақдим.

23.10 «Аянинг кўнгирақчаси». Бадий фильм.
00.40-00.45 «Хайрли тун!»

«Тошкент» телеканал

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 «Мультчархпалак».
17.40 «Жаҳон географияси».
18.20 «ТВ плюс».
18.45 «Хусусийлаштириш: қадам-бақдам».
19.05 «Табриклиймиз-қутлаймиз».
19.45, 20.40, 21.45 «Экспресс» телегазетаси.
20.00 «Пойтахт шарҳи».
20.25 «Мисли гавҳар».
20.55 «Ташриф».
21.15 «Нима учун?»
22.00 Кинонигоҳ «Катта дўкон».
23.40-23.45 «Хайрли тун, шахрим!»

«Халқаро» телеканал

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «ТВ-4да мусиқа».
9.10 Е. Петросянин «Кулгу панорамаси».
9.45 «Лаззат».
10.05 «СФИ янгиликлари».
10.15 «Инглиз тили Сиз

учун».
10.40 Кундузги сеанс: «Тернер ва Хуч». Бадий фильм.
12.15 «До-ми-соль шоу».
12.55 «Менинг шахрим».
13.15 Дўстлик видеоанали: «Умид», «Чинсан», «Бизнес мисрас».
14.15-14.45 «Немис тили».
17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 «Мульттақдим».
17.25 «Бинафша».
17.45 СФИ тақдим этади: «Бешиени ўлчов».
18.05 Анна Каменкова «Сен борсан...» фильмида.
20.00 «Время».
20.30 «7 дан 70 гача».
21.00 «Ассалом Франция!»
21.15 «Музик холл».
21.35 Кинематограф. «Омадсиз Фантоцци». Бадий фильм.
23.00 Ахборот (рус тилида)
23.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-й канал

09.00 Программа передач
09.05 «Теле-хамкор»

09.30 «Принцесса Сиси», мультсериал
10.00 Фильм детям: «Пари с волшебницей», сказка
11.30 «Веселая семейка Твист», сериал
12.00 Семейное кино: «Граф Монте Кристо», 1 серия
13.40 «Баффи», телесериал
14.30 Индийское кино: «Истинные ценности», мелодрама
16.40 «Скрытой камерой», юмористическая программа
17.00 «Своя игра», телешоу
17.45 «Теле-хамкор»
18.10 Киновечер на 30-м: «Откройте, полиция», детектив
19.50 «Ошикона», музыкальная передача
20.00 «Вовочка», юмористический сериал
20.30 «Теле-хамкор»
21.00 Час детектива на 30-м
21.45 Киновечер на 30-м: «Взрыватель», боевик
23.30 Музыкальная программа - «Просто 15»
00.20 Программа передач

ҲАҚ ШАНБА

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.10 «Ғаройибот».
9.30 «Алибобо ва қирқ қароқчи». Мультфильм.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Она меҳри».
11.20 Телевизион миниатюралар театри.
11.55 «Пазандлик сирлари».
«Болалар сайёраси»:
12.05 «Муъжизалар майдончаси». Телешоу.
13.05 ТВ-1 кинотеатри: «Ромео ва Жульетта». Бадий фильм. 1-қисм.
14.15 «Умид ниҳоллари» спорт ўйинларининг якунларига доир.
14.35 ТВ-1 кинотеатри:

«Ромео ва Жульетта». Бадий фильм. 2-қисм.
15.35 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Навбахор» - «Нефтчи».
16.25 «Муҳофаза».
16.40 «Нафосат гулшани».
17.00 «Оқ олтин». Телелотерея.
«Болалар сайёраси»:
17.40 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
18.00 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» - «Металлург».
«Пахтакор». Марказий стадиондан олиб кўрсатилади. 2-тайм.
18.45 «Талабалик йилларим».
19.05 «Туртинчи ҳокимият».
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар
19.30 «Тахлилнома» (рус тилида)
20.05 Эстрада тароналари.
20.30 «Тахлилнома».
21.15 «Яқшанбада Сиз билан бирга».
21.40 «Умид ниҳоллари»

спорт ўйинларининг якунларига доир.
22.00 «Бу ажиб фасл». Телеальманах

Яқшанба кинозал:
22.20 «Кино оламида».
22.40 «Ўзбекистон» каналда илк маротаба: «Бургунд қасри сирлари». Бадий фильм.
00.10-00.15 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканал
7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Давр тонги».
9.00 «Янги авлод» студияси: «Олтин қалит».
9.20 «Мульттомоша».
9.35 Футбол плюс.
9.55 Давр-интервью.
10.10 Мусиқий лаҳзалар.
10.20 «Зинама-зина».
10.50 Очил дастурхон.
11.05 «Ёшлар» телеканалда ҳарбий-ватанпарварлик дастури: 1. Марди майдон. 2. Аскар мактаблари.
11.45 Футбол-202.
12.30 «Мурувват». Бадий фильм. 3-қисм.
13.15 Қишлоқдаги тенгдошим.
13.35 «Вафо». Бадий

фильм.
15.10 Спорт ҳафтаномаси.
15.25 «Экспедиция». Ҳужжатли сериал.
16.15 Фарғона навалари.
16.25 «Рамаёна». Телесериал.
17.00 Кўрсатувлар дастури.
17.05 «Янги авлод» студияси: «Уй вазифаси».
17.30 Яқшанбада кўришгунча.
17.45 Қўҳна оҳанглар.
17.55 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
18.45 Оқшом навалари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр»-news.
19.20 ТВ-анонс.
19.25 Ҳандалак.
19.45, 20.35, 22.30 Эълонлар
19.50 «Мурувват». Бадий фильм. 4-қисм.
20.40 «Заковат». Интеллектуал ўйини.
21.45 Олтин мерос.
22.00 «Давр ҳафта ичида».
22.35 Тунги тароналар.
22.45 «Ёшлар» телеканалда премьераси: «Ёнаётган юрак». Бадий фильм.
00.25-00.30 «Хайрли тун!»

«Тошкент» телеканал

17.15 Кўрсатувлар тартиби.

17.20 «Эртақларнинг сеҳри олами».
19.00 «Спорт-клуб».
19.20 «Табриклиймиз-қутлаймиз».
20.00, 20.25, 21.45 «Экспресс» телегазетаси.
20.15 «Мусиқий лаҳзалар».
20.40 «Саломатлик маскани».
20.55 «Жаҳон географияси».
22.00 Кинонигоҳ, «Муҳаббат дарди».
23.20-23.25 «Хайрли тун, шахрим!»

«Халқаро» телеканал

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «ТВ-4да мусиқа».
9.10 Д. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдлари».
9.30 «Ҳамма уйдалигида».
10.10 «Кайфият». Информацион дам олиш дастури.
11.40 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
11.50 Болалар соати: «Питер Пен». Бадий фильм.
13.10 «Парле ву франса?»
13.35 «Хусусийлаштириш: қадам-бақдам».

13.55 «Фан тайм».
14.05-15.05 «Дўстлик» видеоанали: «Рангинкамон», «Дидар».
16.00 Кўрсатувлар дастури.
16.05 Е. Петросян, Е. Степаненко, Я. Арпазоров ва М. Галкин «Кулгу мусобақаси» концерт дастурида.
17.00 «Британия кундалиги».
17.20 «Кулгу мусобақаси» концерт дастури (давоми)
18.25 «Лего - лед». Болалар учун шоу дастур.
18.55 «Ҳаёллар ороли». Сериал.
19.40 «Олтин микрофон». Мусиқий дастур.
20.05 «Тенгдошлар».
20.30 «7 кун». Ҳафта якунлари.
20.55 «Кинопрофи».
21.20 Кинематограф. «Ўғлимнинг қонаси». Бадий фильм.
22.50 «Тахлилнома».
23.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-й канал

09.00 Программа передач
09.05 «Теле-хамкор»
09.30 «Принцесса Сиси», мультсериал
10.00 Фильм детям: «Что у Сеньки было»
11.30 «Теле-хамкор»
12.00 Семейное кино: «Граф Монте Кристо», 2 серия
13.40 «Баффи», телесериал
14.30 Дневной кинозал: «Разборка в Бронксе», боевик
16.10 Интересные встречи на 30-м - Евгений Хавтан
17.00 «Своя игра», телешоу
17.45 «Теле-хамкор»
18.10 Киновечер на 30-м: «Откройте, полиция - 2», комедия
19.50 «Ошикона», музыкальная передача
20.00 «Агентство», юмористический сериал
20.30 «Теле-хамкор»
21.00 Час детектива на 30-м
21.45 Воскресный киноветер на 30-м: «Патриот», исторический
24.00 Программа передач



Хайриятки, туман раҳбарлари «Ўзбекистон»-ликларнинг кўнглидан юришди. Шу хўжаликда шаклланиб, камолга етган, унинг ривожланишига катта ҳисса қўшган, туман ҳокимлигида ишлаётган ёш, аммо анча тажрибали иқтисодчи Равшан Йўлдошевни раисликка тавсия қилишди. Хўжалик аҳли бу таклифни маъқуллаб қутиб олди. Шу боис янги раис сайлашга бағишланган йиғилиш узоқ давом этмади. «Ўзимизнинг Равшан Жўраевич-ку!» дея хурсанд бўлган ғаллакору сабзавоткорлар унга юз фоиз овоз беришди...

Тошкент халқ хўжалиги институтини муваффақиятли битирган Равшан Йўлдошев ёш мутахассис сифатидаги илк меҳнат фаолиятини 1982 йили шу хўжаликда бошлади. Уч-тўрт кун хўжалик ҳисобчиларининг ёнида бўлиб, муомаласидан, ҳаракатчанлигидан олиқ мақтаб кўрган умидли кадр эканлиги равшан билиниб турган йигитни раиснинг таклифи билан бош иқтисодчиликка қабул қилишди.

Равшан Жўраевич пойтахт аҳолисини мева-сабзавот билан таъминлашдек муҳим ишга, қолаверса, туманнинг, вилоятнинг иқтисодий қувватини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшаётган одамлар билан ҳамнафас, ҳамжамоа бўлганлигидан хурсанд эди. Шунинг учун у хонанишин раҳбар бўлиб қолмади. Доимо дала айлиниб, ғаллакору сабзавоткорлар ёнида бўлиб, «ҳорманг»лашиб туришни қатъий одат қилди. Йиғилишларда, жамоатчилик кенгашларида, айниқса,

Пойтахт яқинидаги «Ўзбекистон» (собиқ Калинин номли) ширкат хўжалиги Зангиота туманининг «кеса», энг тажрибали жамоаларидан биридир. Асосан ғаллачилик ва сабзавотчилик билан шуғулланган хўжаликнинг ўша йиллардаги кўрсаткичлари ҳам ёмон эмасди. Лекин, мустақилликнинг учинчи йили бошланиши арафасида хўжалик аҳли олдида муаммо пайдо бўлди: хўжаликни бир неча йиллардан бери муваффақиятли бошқариб келаётган раис Рашид Каримов «Азизлар, пенсия ёшидан ошдим, иккинчидан, соғлиғим ҳам яхши эмас, шунинг учун менга узр», деган таклифни айтди. Ҳамма беихтиёр ўйланиб қолди. «Энди хўжаликни ким бошқаради?», «Янги раҳбар ишни муносиб давом эттира олармикин?» Қадрдон жамоасининг тақдирини ўйлаб, шундай хаёлга борганларнинг барчаси: «Ишқилиб янги раис орамиздан ёки ўзимиздан учирма қилинганлардан танланса бўлгани», деган фикрда эди.

Гар интилиб яшасанг...

одамларнинг тақдири билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинганда асло безътибор бўлмади.

Бундай етуқлик, фаоллик туман ва вилоят раҳбарларининг назарига тушди. 1986 йили Равшан Йўлдошевни Зангиота туман агросаноат уюшмасига раис қилиб кўтаришди. Орадан икки йил ўтгач, уни туман раҳбариятининг қишлоқ хўжалик бўлимига етакчиликка таклиф этишди. У туман ижроия кўмитаси раисининг ўринбосари бўлиб ишлаганда ҳам ишончли оқлади.

«Ўзбекистон»да раис сифатида иш бошлаганда унинг олдида ҳеч қандай жиддий муаммо йўқ эди. Фақат етакчиликни муносиб давом эттириб, хўжаликнинг мавқеини пасайтирмаслик талаб этиларди. Бунинг қийин эмаслигини яхши англаган янги раис учинчи тармоқни ҳам кучайтириш ҳисобига хўжалик иқтисодини янада кўтариш ва одамларнинг турмуш шароитини тагин ҳам яхшилашни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйди.

Ниятинг бўлса эзгу, амали бўлар кўзгу, деган-

ларича бор экан. Хўжалик бир йил олдин 50 гектар ерга ғалла уруғи сепаиб, 120 тонна дон йиғиштириб олган бўлса, бу йилига худди шунча майдондан 200 тоннадан ошириб хирмон уйди. Ҳосилдорлик 40 центнерга кўтарилди. Сабзавотчиликдаги умумий хирмон эса, қарийб икки минг тоннага кўпайиб, 5180 тоннага етди. Хўжалик ўз тарихида биринчи марта 14 миллион сўмлик соф даромадга эришди.

Режага мувофиқ, чорвачиликка алоҳида эътибор берилиб, қорамоллар туёғи кўпайтирилди, сут ва сут тайёрлаш замон талаблари даражасида қатъий йўлга қўйилди. Натижада 1997 йилга келиб, бу ерда биргина чорвачиликнинг ўзидан 49,9 миллион сўм даромад олишга муваффақ бўлинди. Кейинги йили эса, бу кўрсаткич қарийб 68 миллион сўмни ташкил этди. Ҳозир хўжалик фермаларида 700 бошга яқин қорамол бор. Уларнинг 175 боши соғин сугир.

«Ўзбекистон» бутунлай рентабелли хўжаликка айланган, қолаверса, ғаллачилик ва сабзавотчиликнинг

ёнига учинчи тармоқ — чорвачилик ҳам чинакамига сердаромад соҳа бўлиб кўшилган, асосий диққат-эътибор халқнинг турмуш шароитини янада яхшилашга қаратилди. Пойтахт шаҳарнинг биқинида жойлашган хўжаликда аҳолининг ичимлик сув ва табиий газ билан таъминланиши 100 фоиз эмасди. Масалан, 1999 йилнинг дастлабки ярим йилида хонадонларни газлаштиришнинг ўзига хўжалик ҳисобидан 683

қов каби мохир ғаллакорларнинг тажрибаларига, йўл-йўриқларига таянди. Сабзавотчиликда Маҳмуд Алиев, Салим Султонов сингари уста деҳқонларнинг имкониятларига янада кенгроқ йўл очиб берди. Ҳосилот Жўраевой Худойберганов, муҳандис Абдумажид Воситов, чорвачилик фермаси етакчиси Ҳабибулла Каримовлар эса, раиснинг уч йўналишдаги ўринбосарлари, яъни, чинакам маънодаги бош мутахассислар сифатида эътироф этилди.

Иккинчидан, Равшан Жўраевич мажлисбозликни, яъни, унчалик долзарб бўлмаган масала билан одамларни махсус тўлаб, бошларини қотириб ўтиришни ёмон кўради. Шу боисдан илк иш кунлариданоқ «Дала муаммоси — далада, шароит муаммоси — турар-жойда ҳал этилади» деган қоида-тартибни жорий қилди. У оддий деҳқонга, қишлоқ кишисига асло дунё ёки мансаб керак эмаслигини яхши билади. Шунинг учун биринчи навбатда уларга ўзидан қутиладиган эътиборни янада кучли бўлиши учун интилади. Бунинг ўзларига бўлган муносабат ва ғамхўрлик мисолида кўрган, қузатган ва ҳис этган кишилар эса, хўжалик ривожига қўшаётган ҳиссаларининг тагин ҳам баракалироқ бўлиши учун интидилар.

«Ўзбекистон» кейинги йилларда эришаётган ютуқларнинг, юксалишларининг илдизини энг аввало худди шу ибратли, айрича фахрли фактдан қидирмоқ керак, — дейди хўжалик ривожига ва раванқига анча ҳисса қўшган, ҳозир қишлоқ фуқаролар йиғинининг раиси бўлиб ишлаётган Карим Тошев. — Ахир, донишмандлар бежизга «Сен инсонга интилиб яша, Оллоҳ сени бир кун сийлагай» дейишмаган-да!

Меҳнат фахрийси ғоятда ҳақ гапни — кўнглимиздаги хулосани айтди. Илоҳим, одамларни мана шундай бир-бирига интилиб яшашдек қутлуғ ҳислат тарк этмасин!

Юсуф БЕРДИЕВ.

Шарҳловчи минбари

КУН ТАРТИБИДА - КАСПИЙ ТАҚДИРИ

Туркменистон пойтахти Ашхободда Каспийбўйи давлатларининг саммити бўлиб ўтди. Россия, Озарбойжон, Қозоғистон, Туркменистон ва Эрон президенти Каспий денгизи мақомини белгилаш масаласи борасида илк бор учрашув ўтказди.

Тадбирда Каспий денгизи ва ундаги табиий захираларнинг мазкур давлатларга тегишли улушлари белгилаб олиниши керак эди. Бироқ саммит давомида фикрлар бир жойдан чиқмагани учун беш президент бу масалада бир тўхтамга кела олмади.

Натижада саммитнинг якуний декларацияси имзоланмай қолди.

Ҳозирча кузатувчилар ҳам, саммит иштирокчилари ҳам учрашув бесамар ўтди, деган фикрдан айроқ. Табиий захираларга бой Каспийни тенг тақсимлаш учун битта учрашув

камлик қилиши аввалдан маълум эди. Фикр бир жойдан чиқиши учун ҳали анча иш қилиниши, узоқ музокаралар ўтказилиши зарур бўлади. Шу боис саммит иштирокчилари учрашув маълум маънода муваффақиятли ўтди, деб таъкидламоқда. Муҳими, иштирокчилар масалани кўп томонлама музокаралар орқали ҳал этиш мумкинлигига ишонч ҳосил қилди. Қолаверса, учрашув мобайнида Каспий бешлигининг қарашлари анча яқинлашди, декларация имзоланмаган эса-да, анча бойитилди.

Каспий муаммоси собиқ иттифоқ парчалангандан кейин пайдо бўлди. Россия, Озарбойжон, Қозоғистон ва Туркменистон олдида Каспий ҳавзасидаги табиий бойликлардан

қандай фойдаланиш масаласи кўндаланг туриб қолди. Бу денгиз азалдан соҳил бўйидаги давлатларни ўзининг бой неъматлари билан сийлаб келган. Уни дунёдаги газ ва нефть захираси энг сероб бўлган ягона денгиз деса ҳам бўлади.

Каспийнинг яна бир жиҳати, унинг қулай коммуникация воқитаси экандир. Беш давлатдан ташқари, яна кўп мамлакатлар жаҳон бозорига чиқишда бу сув йўлидан унумли фойдаланиб келмоқда.

Денгиз мақомини белгилашда бир тўхтамга келинмагач, ҳар бир давлат ўзича имкон қадар кўп фойда олишга ҳаракат қилмоқда. Натижада браконьерлик, экологик мувозанатга зарар етказиш ҳолатла-

ри ҳам кўпайиб бормоқда. Демак, экологик барқарорликни сақлаш, захиралардан тежамли фойдаланиш ҳам мазкур давлатларнинг вазифасидир. Саммитда бу масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Хуллас, «Каспий бешлиги» денгиз тақдирини ҳал этишга киришди. Демак, эртамикем муаммолар ҳал этилиши шубҳасиз. Унганча, эҳтимол, бир неча йил ўтар, кўп маротаба учрашувлар ташкил этилар. Бироқ, нима бўлганда ҳам, Ашхобод саммити ушбу мақсад сари ташланган биринчи қадам сифатида тарихга кирди.

Саидмурод РАҲИМОВ,
ЎзА шарҳловчиси.

Sport

Sport

Sport

СПОРТ МАЙДОНЛАРИДА УМИДЛИ ЁШЛАР



мошабинга мўлжалланган «Фаргона» марказий ўйингоҳида мактаб ўқувчиларининг кичик олимпиада ўйинларига қиёс қилинаётган финал учрашувларининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Тўхтапўлат Рисқиев мамлакатимиз Президенти Ислон Каримовнинг «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари қатнашчиларига табригини ўқиб эшиттиргач, ўйингоҳ узра Ўзбекистон Давлат мадҳияси янгради ва республика Давлат байроғи ҳамда «Умид ниҳоллари» мусобақаларининг байроғи кўтарилди.

Шу куни ўрта мактаб ўқувчиларининг биринчи спорт ўйинларига старт берилди. Ёшлар Фаргона вилоятининг энг яхши ўйингоҳларида ўн бир спорт тури, яъни енгил атлетика, миллий кураш, белбоғли кураш, теннис, стол теннис, сузиш, шохмот, кўлтўпи, футбол, волейбол, баскетбол бўйича қарийб бир ҳафта давомида

(Давоми. Боши 1-бетда).

ўзаро қизгин кураш олиб бордилар. Мусобақаларда жами 1918 нафар ўқувчи ўғил-қизлар иштирок этади.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, фарғоналиклар республика спорт ўйинларининг юксак савияда ўтиши, иқтидорли ёш спортчиларнинг ўз маҳоратларини юз фоиз намойиш этишлари учун зарур ва қулай шарт-шароитларни мукаммал яратиш бериш мақсадида бор имкониятларни ишга солдилар. Унлаб йирик спорт майдонлари тубдан таъмирланди. «Истиклол» теннис мажмуи, «Дельфин» сузиш ҳавзаси, Марғилон шаҳри ҳамда Фаргона; Тошлоқ, Қирғули туманларидаги спорт иншоотларида яратилган шароитлар мутахассисларни ҳам, спорт ўйинлари иштирокчиларини ҳам мамнун этди.

«Умид ниҳоллари» спорт ўйинларини Президент Ислон Каримовнинг ташаббуси билан қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ажралмас қисми, дейиш учун ҳамма асос бор. У мамлакатимиз таълим тизимида мунтазам ўтказиладиган уч босқичдан иборат оммавий спорт мусобақаларининг муҳим бўғинларидан биридир. «Умид

ниҳоллари» ўйинларида илк бор тажриба орттирган иқтидорли ёшлар ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизими ўқувчиларининг «Баркамол авлод» спорт мусобақаларида ўз маҳоратларини янада тоблайдилар ва олий ўқув юртлари талабаларининг Универсиадасидан ҳам ўтиб, катта спортга дадил қадам ташлайдилар.

Айни кунларда Фаргона шаҳрида шохмот, миллий кураш, белбоғли кураш, қизлар ўртасида баскетбол, теннис, Қирғули тумани ўйингоҳларида баскетбол, кўлтўпи, енгил атлетика, сузиш, стол теннис, Марғилонда валејбол, Тошлоқ ва Фаргона туманларида эса футбол мусобақалари қизгин давом этмоқда. Баскетбол мусобақаларида ўсмир ва қизларимиз биринчи босқичдан муваффақиятли ўтдилар. Ўсмирлар навоийликларни 51:49, қизларимиз эса жиззахликларни 19:4 ҳисобида енгилар. Кўлтўпи бўйича қизларимиз навоийлик тенгдошларини 23:13 ҳисобида мағлуб этдилар. Шохмотчиларимиз Қорақалпоғистон жамоаси устидан 2,5:0,5 ҳисобида ғалаба қозондилар.

Самад йўлдош.

ВАТАНПАРВАРЛАР ЮКСАК МАҲОРАТ КЎРСАТИШДИ

«ШУНҚОРЛАР» болалар ҳарбий-спорт ўйинларининг бу йилги вилоят финал босқичи мусобақалари 250 нафар ёшлар учун чинакам спорт байрамига айланиб кетди.

ЭРТА тонгда Тошкент олий умумқўшин командирлари билим юртининг кафтдек текис майдонида вилоятнинг барча туманларидан ташриф буюрган 21та жамоа саф тортди. 10-11 синф ўқувчилари сафда юришга қандай тайёргарлик кўрганликларини зўр маҳорат билан намойиш этиб, томошабинларнинг олқишларига сазовор бўлдилар. Бундан хайратга тушган билим юрти раҳбари ўқувчилар сафда юриш маҳоратида ҳатто, тўртинчи курс талабаларидан қолишмаслигини таъкидлади.

Шундан сўнг асосий ва мураккаб мусобақа турлари бошланди. Айниқса, топография бўйича белгиланган вазифаларни бажариш ёш ватанпарварлардан билим ва маҳорат талаб этарди. Жой чизмасига қараб, алоқа нуқтасини топиш ва эфирга чиқиш лозим эди. Айнан шу ўринда кўплаб ма-

шғулотлар давомида орттирилган билимлар кўл келди.

Жисмоний тайёргарлик бўйича синовлар ҳам қизиқарли ўтди. Кимёвий ҳимоя коржомаси ва газникоб кийган йигитларнинг деярли барчаси куч-ғайрат ва чидамлилик синовидан муваффақиятли ўтдилар.

Шундай қилиб, Паркент тумани жамоаси кетма-кет учинчи марта ҳарбий-спорт ўйинларининг вилоят финал босқичи голиби бўлди. Уларга спорт кийимлари жамламаси совға қилинди. Бўстонлик ва Чирчиқ шаҳри ёш ватанпарварлари иккинчи, учинчи ўринларни эгалладилар.

Энди навбат республика финал босқичига. Ушбу мусобақалар 2-6 май кунлари Чирчиқ шаҳрида бўлиб ўтади.

Ўз мухбиримиздан.

Янгилик

ЭЛЕКТРОН ДАРСЛИК ТАҚДИМОТИ

Мамлакатимизда изчил татбиқ этилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида таълим тизимига янги педагогик технологияларни кенг жорий этиш устувор вазифалардан бири этиб белгиланган.

Зеро, бугунги кун ёшлари замонавий билимларни тўлақонли ўзлаштириши, жаҳон фан-техника ютуқларидан самарали фойдаланиши учун ўқитишнинг янги усулларини амалиётга жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий мажмуи билан ҳамкорликда таълим муассасаларида масофавий ўқитиш усулидаги янги педагогик технологиянинг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Тадбирда Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Тошкент шаҳридаги олий ўқув юртлари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари раҳбарлари иштирок этди.

Давлат ва жамият қурилиши академияси ректори А.Азизхўжаев тадбирни очар экан, мустақиллик йилларида ўғил-қизларимизга хорижий тилларни, жумладан, инглиз тилини ўргатишга алоҳида эътибор берилётгани, тақлиф этилаётган янги интерактив электрон дарслик бу борада мавжуд муаммоларни ҳал қилишда катта самара беришини алоҳида таъкидлади.

Янги технология инглиз тилини масофавий ўқитишга мўлжалланган интерактив электрон дарслик бўлиб, у узлуксиз таълимнинг барча босқич ўқувчи ва талабалари, малака ошириш курслари тингловчиларига мўлжалланган.

Олим НОРБЕКОВ,
ЎЗА МУХБИРИ.

«ЯНГИЙЎЛ» ФИРМАСИ ОТХЖ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Жамиятнинг йиллик ҳисобот йиғилиши 2002 йил 28 май соат 15.00да Янгийўл шаҳри, Самарқанд кўчаси, 143-уйда ўтказилади
КҮН ТАРТИБИ

1. «Янгийўл» фирмаси ОТХЖнинг 2001 йил молиявий -хўжалик фаолияти якуни ва 2002 йил бизнес-режасини тасдиқлаш.
2. Жамиятнинг 2001 йил учун даромад ҳисоботи ва йиллик балансини тасдиқлаш.
3. Тафтиш комиссияси ҳисоботи ва 2001 йил аудитор текшируви ҳулосасини тасдиқлаш.
4. 2002 йил учун акционерлик жамияти аудиторини тасдиқлаш.
5. Дивидендлар миқдори ва уларни тўлаш тартибини тасдиқлаш.
6. Қузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзолари таркибини қайта сайлаш.
7. Бошқа масалалар.

«Янгийўл» фирмаси ОТХЖнинг 2002 йил 1 январь ҳолатига бўлган баланси (минг сўмда)



АКТИВ	
Асосий воситалар	323501
Капитал қўйилмалар	68309
Узоқ муддатли инвестициялар	14758
Ишлаб чиқариш захиралари	366236
Тайёр маҳсулот	72598
Дебиторлар	285615
Бошқа активлар	997561
БАЛАНС	2128578
ПАССИВ	
Устав капитали	186574
Резерв капитали	280503
Тақсимланмаган фойда	68602
Кредитлар	238481
Бошқа пассивлар	261974
Кредиторлар	1092444
БАЛАНС	2128578

«Янгийўл» фирмаси ОТХЖ бошқарув кенгаши.

Анжуман

МОЛИЯ ВА ҚОНУНЧИЛИК

Тошкент Давлат юридик институтида Ўзбекистон Республикаси молия қонунчилигини такомиллаштириш масалаларига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда ҳуқуқ-тартибот, солиқ ва банк-молия идоралари ходимлари, олимлар, тадқиқотчилар иштирок этди.

Анжуман қатнашчилари молия қонунчилигини янада такомиллаштириш, хусусан, иқтисодий-тдаги ўзгаришларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш мақсадида амалдаги қонунчиликка қўшимча ва ўзгартишлар киритиш, фуқаро ва юридик шахслар ҳуқуқ ҳамда манфаатларини янада кенгроқ таъминлаш йўлларини ишлаб чиқиш бора-сида ўз тақлиф-мулоҳазаларини билдирди. Шунингдек, тадбирда бу йўналишдаги хорижий тажрибани ўрганиш зарурлиги алоҳида эътибор қаратилди.

Беҳзод НОРБЕКОВ,
ЎЗА МУХБИРИ.

Қуйичирик туманидаги 10-сон ўрта мактаб томонидан 1993 йилда Эшонкулов Ақром Жўраевич номига берилган 284207 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.
Қуйичирик туманидаги 58-сонли мактаб томонидан 1993 йилда Ким Владимир Эрнестович номига берилган АТ 284487 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.
Қуйичирик туманидаги 31-ўрта мактаб томонидан Тунгатов Ҳамза Шерикбаевич номига берилган О'РД 100523 рақамли тўлиқсиз ўрта маълумот ҳақидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.
Чилонзор тумани И. Усмонов номидаги 200-ўрта мактаб томонидан 1997 йилда Миртурсунова Сарварой Санджаровна номига берилган О'РД 033961 рақамли тўққизинчи синфни битирганлиги тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.
Янгийўл туманидаги Бобир номи ширкат хўжалиги ТУГАТИЛАДИ. Даъволар икки ой муддат ичида қабул қилинади. Тел. 52-552.

Дилбар кўшиқлар армуғон бўлсин

Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасида Ватанимиз мустақиллигининг 11 йиллигига тайёргарлик ишларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда таниқли бастакорлар, шоир ва ижрочилар иштирок этди.

Йиғилишда таъкидланганидек, мустақиллик йилларида ҳаётимизнинг барча баҳаларида, хусусан, миллий мусиқа санъатини янада раванга топтириш ва тарғиб этиш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Шунингдек, ёш истеъодларни кашф этиш, иқтидорини юзага чиқариш ва ҳар томонлама рағбатлантириш борасидаги хайрли ишлар ўз самарасини бер-

моқда. Мамлакатимизда ҳар йили зўр шодиёна билан нишонландиган Наврўз, Мустақиллик куни каби улкан байрамлар тантаналарига ҳозирлик кўриш жараёнида ана шундай ёшлар кашф этилмоқда.

Йиғилишда ижод аҳли халқимизнинг энг улуғ ва энг азиз байрамига сара асарлар тўхта этиши зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди. Зеро, мустақил-

лик айёмига бағишланган мусиқа асарлари халқимиз ва айниқса, ёшлар онгига миллий истиқлол ғояларини, она-Ватанга садоқат, фидойилик руҳини янада чуқурроқ сингдирмоғи даркор. Бу борада шоир, бастакор ва ижрочиларнинг ижодий ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этади. Шеър ва кўшиқ матнининг юксак бадиий савияда, ўзаро уйғун бўлишига эришиш байрам учун яратилаётган кўшиқларнинг тантанаворлигини таъминлашда муҳим омилдир.

Назокат УСМОҲОВА,
ЎЗА МУХБИРИ.

Bolalik bog'i

O'zimni o'zimga tanitgan,
Vatanga, onaga sher bitgan.
U bilan faxrlanar doimo elim,
Ta'zim senga o'zbek tilim-o'z tilim.

Fikrimni doimo ravon qilgan u,
So'zlasam so'zimdand yog'ilar yog'du.
Til bilan sirdoshdir doimo dilim,
Ta'zim senga o'zbek tilim-o'z tilim.

Nozima RAHIMOVA,
Zangiota tuman, 3-maktab, 5-sinf o'quvchisi.

O'ZBEK TILIM

8-саҳифа меҳмони



ТАШРИФНОМА: Зафар Асқаров: Республика Ёш томошабинлар театрининг етакчи актёри. Унинг таржиман ҳоли ҳам оддийгина. 1972 йили Зангиота туманидаги Хонобод қишлоғида туғилган. Оилада бешинчи – кенжа фарзанд. 1990 йили ўрта мактабни, 1995 йил эса, ҳозирги Маннон Уйғур номли санъат институтининг актёрлик куллиётини тугатган. Табиатан дадил, тўғри сўз ва қувноқ, ҳазилга мойиллиги бор. Талабалик йилларидан бошлаб шу театрда ишлайди. Саҳна ва экранларда йиғирмага яқин турли-туман қаҳрамонлар ролини қойилмақом қилиб ижро этган. Оилали, турмуш ўртоғи Дилрабоҳон олий маълумотли, ҳозирча уй бекаси. Жасурбек ва Хулқархон исмли фарзандлари бор.

— Зафаржон, актёр бўлиш ёшлиқдаги орзуингиз, шундай эмасми?

— Ҳа, болалигимда кўрган эшитганларимни худди ўзидай қилиб такорлашни хуш кўрадим. Айниқса, опаларимнинг кўйлақларини кийиб олиб, уларга тақлид қилганимда, ҳамма қотиб-қотиб қуларди. Баъзан эшик орқасидан туриб, ингичка овозда: «Мавжуда хола, қатиқ оласизми?» деб овоз берардим ва кўпинча мақсадимга эришардим.

Мен таҳсил олган 25-ўрта мактабда доира тўғараги бор эди. Эртаю кеч кўлимдан доира тушмасди. Расм чизишни, наққошлик тўғарагига қатнашни қанда қилмасдим.

Санъатга ошуфталигим ўз кучини кўрсатди. Отам зиёли киши бўлганликлари учун ҳам санъат шайдоси эдилар. У кишининг ана шу хислатлари менга ўтган бўлса ажабмас.

Ўрта мактабни тамомлагач, отам мени етаклаб, «Ўзбекфильм»га олиб бордилар. У ерда бош оператор Абдурахмон Исмоилов бирорта шеър ўқиб беришимни сўради...

Кейин, «Ия, сен машҳур комик актёр Евгений Леоновнинг ёшлигига ўхшар экансан, ёпайрай, бунақасини энди учратишим», дея хайратландилар. Шушу лақабим «Доцент» бўлиб қолди.

— Кейин-чи?

— Шухрат Аббосов, Арсен Исмоилов каби санъаткорларнинг далдалари, рағбатлари тўғрисида санъат институтининг актёрлик куллиётига кириб ўқий бошладим. Ўша йиллари Ёш томошабинлар театрига кадрлар тайёрлаш масаласи кўндаланг бўлиб турарди. Бизни бутун курсимиз билан шу театр ихтиёрига юборишди.

Ёш томошабинлар театри халқ артистлари Манзура Ҳамидова, Обид Толипов, Муҳаббат Йўлдошева, Хайрулла Саъдиев, Гулчехра ва Лутфулла Саъдуллаевлари билан маълум ва машҳур. Хўш, сиз талаба актёрларни жамоа қандай кутиб олди, додираб қолмадингларми?

— Гапингиз тўғри. Болалар театрининг додруғи, у ерда

КўЗЛАРДАГИ МЕХР ЙЎҚОЛМАСИН

ижод қилаётган устозларнинг салобати биз ёшларни бироз бўлсада, довдиратиб қўйгани рост. Театр актёрлари, бутун жамоа бизни кучоқ очиб, хурсандлик билан кутиб олишди.

Мен ҳозир бадиий раҳбаримиз Олимжон Салимов, халқ артистлари Фарҳод Аминов, Лутфулла Саъдуллаев, Абдусаммад Жўрабоев каби устозларимдан жуда миннатдорман. Улар мени ҳаммиса кўлаб-қуватлаб келишди. Яхши томонларимни ошириб, ёмонларини яширишди. Мен...

— Дарров «мен»га ўтиб кетманг-да. Театрдаги курсдошларингиз хафа бўлишлари мумкин...

— Айбга буюрмасангиз, яна бир гал айтаман. Мана шу театрда ижод қилаётганимга саккиз йил бўлди. Халқ артисти Манзура Ҳамидовани яхши биласиз. У киши каттаю кичикни алқаб, «болам-болам»лаб юрардилар. Маслаҳат сўрасангиз, ҳеч йўқ демаганлар. Ҳаммани бирдай кўрардилар. Жамоамизда у кишининг келинлари Гулсара опа Деҳқонова труппа бошлиғи бўлиб ишлайдилар. Бу аёлнинг одамхушлиғи, каттаю кичикка меҳрибонлиғи, бир кулиб қўйиб, оғирингизни энгил қила олишлари мени хайратга солади. Худди Манзура аямнинг ўзлари дейсиз. Театримизда бундай фидойи одамлар кўпчиликини ташкил этади. Ростини айтсам, тили билан дили бир инсонларни ҳурмат қиламан, уларга эргашаман.

Ҳозирги ёшларни ўзингиз яхши биласиз, сал қийинчиликка дуч келдимиз, бас, эътиқод ҳам, ижод ҳам, қолган юмушлар ҳам оро йўлда қолади ўзларини энгилроқ ишга ура бошлашга.

— Кўнглингизга гўлгула солиб қўйдим чоғи...

— Йўқ. Кўнгида бори юзага чиқмаса, инсон умрбод қийналиб юради. Мен театрдан кетиб қолган дўстларимни айбламоқчи ҳам, уларга ҳуқуқ бўлмоқчи ҳам эмасман. Ҳар кимнинг ҳаволаси ўзига. Ўтган йиллар мобайнида театримизда курсдошларимдан Бахтиёр Фозилов ва мен қолдик. Қолганлар турли соҳаларга ўтиб кетишди.

Тўғри, улар кетиши билан театримиз хувиллаб қолгани йўқ. Баҳром Усмонов, Ҳакимжон Халилов сингари иқтидорли ёшлар билан бирга қўлни қўлга бериб ижод қилаяпмиз. Театрнинг юки ҳеч қачон ерда қолмайди. Чунки, унинг ўзига хос яхши, ҳавас қилса арзигулик анъаналари бор. Бу анъана давом этаверади.

— Ёш томошабинлар театрида ишлаб, кўпгина образларни яратишга улгурганингиздан хабардорман. «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи», «Оқшом эртаклари» кўрсатувларидаги чиқишларингизни мириқиб томоша қилганмиз. Ўзингиз муваффақиятли чиққан образим мана шу, деб айта оладиган ролларингиз қайсилари?

— Болалар жуда зукко бўлишди. Ёлғондакам роль ижро этган актёрни дарров фох қилиб қўйишди. Шунинг учун ҳам, театримизда сохталик кетмайди. Ҳаммаси табиий, ҳаммаси мукамал, энг майда тафсилотларигача ўйланган ижрогина, ҳаётга яқин ролларгина болаларни ишонтира олади, мулоҳаза қилишга ундайди. Болалар театрини тарбия ўчоғи деб айтишлари бежиз эмас.

Мендан кўпинча «Нега салбий образларни ижро этасиз?» деб сўрашди. Кун ва тун бўлганидек яхши ва ёмон ҳам бор. Салбий характерли кишининг ҳам яхши томонлари бўлади. «Душмандан

ҳам улуғ дўст борми?» деган экан бир донишманд. Курашсиз ҳаёт ҳаёт эмас, қасдма-қасдликдир.

Ижро этган ролларим орасида ўзимга ёқадигани «Боз-масхарабоз» спектаклидаги Масхарабоз образини қадрлайман. Чунки, бу спектакль театримизга, қолаверса, менга шон-шухрат келтирди. Шунингдек, истеъодли ёзувчи Тоғай Муроднинг «От кишнаган оқшом» спектаклида — Чавандоз, «Олтин жўжа»да — Бўри, «Сехрли дурда» — Дули, «Алпомиш»да — Ултонтоз, «Турна пати»да — Унзо каби образларим ҳам ўзимга ёқади.

— Ҳозир қандай роллар устида ишламоқдасиз?

— Жамоамиз Италияда бўладиган болалар театри фестивалига таклифнома олган. Ана шу анжуманга «Қирол кийик» эртани тайёрлаяпмиз. Мен бу спектаклда бошловчи — Чигелетта образини маромига етказиш ҳаракатида юрибман.

— Зафаржон, ҳар бир инсоннинг яшашдан кўзлаган мақсади бўлади...


— Ростини айтсам, юрагимдаги эзгу мақсадим болалар театрига, унинг меҳнаткаш жамоасига зарур эканман, бутун иқтидоримни ишга солиб, тинимсиз ижод қилавераман. Энди бир нақл айтиб берай: инсон тўрт фаслда тўрт хил кийинади: баҳорда костюм, ёзда кўйлақ, кузда ёмғирпўш, қишда эса, албатта, иссиқроқ либос кийишга ҳаракат қилади. Аммо, инсоннинг кўзи ҳаммиса очикликда. Мен инсоннинг кўзларидаги меҳр асло йўқолмаслигини истайман.

Шавкат ТУРОБ
суҳбатлашди.

Бекажон

ПИШИРИҚ ТАЙЁРЛАЙ ОЛАСИЗМИ?

КЕКС



1 та тухумни кўпиртириб, унга оз-оздан қуюлтирилган сут солинади. Сўнгра майда қирғичдан ўтказилган 1 та лимон шарбати қўшилади. Унга ярим чой қошиқ истеъмол содаси, 6 ош қошиқ крахмал солиниб, аралаштирилади. Махсус қолипга ёғ суртиб пергамент қоғози қўйилади ва қоғоз сиртига ун сепиб ҳамир солинади. Сўнгра ўртача оловда газ плитаси духовкасида пиширилади.

ТВОРОГЛИ ПЕЧЕНЬЕ



Идишга 400 грамм творог, 200 грамм юмшатирилган сариеғ ёки маргарин, 2 стакан ун, ярим чой қошиқ истеъмол содаси, бир чимдим туз солиб ҳамир қорилади. Ҳамирни 30 дақиқага совутгичга солиб қўйилади. Кейин тайёр бўлган ҳамир 2 мм. қалинликда ёйилиб, ундан турли шакллардаги печеньелар қирқилиб, духовка патнисига териб, ўртача оловда пиширилади.

Наргиза ҚУРБОНОВА,
қандолатчи.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТОШКЕНТДА ПИШИРИЛАДИ

Муассис
ТОШКЕНТ
ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин
МУҲИДДИНОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий
ишлар бўлими: 133-40-48.
Эълонлар:
133-40-48, 136-57-27.

Манзилимиз:
700000, Тошкент
шаҳри, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат
матбуот қўмитасида 8 рақами
билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати»
тахририят компьютер
марказида терилди ва
сахифоланди.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.